# Ш А Р Т Н О М А № 49717

## Товар-моддий бойликлар, хом-ашё, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш, турли хизматлар кўрсатиш ҳақида

**«24» Октября 2022 йил.** **Фарғона шаҳри.**

**Фаргона вилояти ИИБ Рахбари: М.У.Жураев** бундан буён бир томондан "Харидор" деб юритилади, Низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан **"Водий-Шарк"** xususiy firmasi " раҳбари **А.Каримов** "Сотувчи" деб юритилади ва қуйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилади.

## ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

"Сотувчи" ўзига тегишли бўлган мол-мулкни сотиш, "Харидор" эса қабул қилиб олинган маҳсулот ёки товар (кўрсатилган хизмат) учун тўловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар;

## ШАРТНОМА НАРХИ

| т/р | Махсулот номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Бумага для офисной техники белая а4 | кг | 1785 | 26000 | 46410000 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | **Жами:** | | | | **46410000** |

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси жами 46410000 (Қирқ олти миллион тўрт юз ўн минг )сўмни ташкил қилади.

Товарларнинг шартномавий умумий баҳосини қайд этиш усули қатъий (ўзгармас) деб белгиланиб, бозор конъюктурасига боғлиқ эмаслиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

Умумий нарх сотиладиган маҳсулотнинг жами нархини англатади.

## ХИСОБ КИТОБ ҚИЛИШ (ТЎЛОВ) ТАРТИБИ

"Харидор" товар (озиқ-овқат маҳсулотлари) учун олдиндан шартномада кўрсатилган суммани 30 фоизи микдоридаги пул маблағини (Ўзбекистон Республикаси миллий пул бирлиги сўмда) пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

Шартнома қийматини қолган 70 фоиз тўлов қисми "сотувчи" томонидан келишилган товар ёки маҳсулотлар (кўрсатилган хизматлар) тўлиқ етказиб берилганидан сўнг "харидор" томонидан амалга оширилади.

Товарлар "Сотувчи" ўз хисобидан ўзига тегишли бўлган транспорт воситасида етказиб бериш вазифасини зиммасига олганлиги сабабли, транспорт ҳаражатлари бўйича қўшимча ҳаражатлар белгиланмайди.

## ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ (ТОВАР) СИФАТИ

"Сотувчи" томонидан етказиб берилаётган шартнома предмети ҳисобланган товар ёки маҳсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга мослиги "Харидор" талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим бўлади.

"Харидор" талабига кўра заруриятга қараб сифат ва мувофиқлик сертификатлари, хавфсизлик, гигиена, санитария сертификатлари ва бошқа зарур хужжатлар "сотувчи" томонидан тақдим этилиши алоҳида белгилаб қўйилсин.

## ТОВАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

"Сотувчи" мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг келишилган товарни (озиқ-овқат маҳсулотини) 3 (уч) кун ичида "Харидор"га етказиб бериши шарт.

"Сотувчи" томони маҳсулотни "Харидорга" жўнатаётганлиги ҳақида хабарни олдиндан почта ёки алоқа воситалари орқали беришни ўз зиммасига олади.

Етказиб бериш муддати деб - махсулот ёки унинг партиясини "сотувчи" томондан кўрсатилган жойга етказиб берилиши лозим бўлган вақт оралиғи тушунилсин.

Етказиб бериш санаси деб – "сотувчи" томонидан етказиб беришнинг асосий (базис) шартлари бўйича ўз мажбуриятларини бажариш санаси тушунилсин.

## ТОВАР ЁКИ МАҲСУЛОТНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ

Маҳсулотни топшириш деганда - маҳсулотни "Сотувчи" томонидан "Харидор" тассаруфига шартнома шартларига мувофиқ топширилишини тушуниш алоҳида белгилаб қўйилсин.

Товар ёки маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш ҳам миқдор бўйича, ҳам сифат бўйича амалга оширилиши алоҳида белгиланиб, зарурият туғилганда, "Харидор" талабига кўра учинчи шахслар ёки зарур билимларга эга бўлган экспертлар ва мутахассисларни жалб қилиш бўйича берган талабини қондириш "Сотувчи" зиммасига юклатилади.

## МАҲСУЛОТНИНГ ЖОЙЛАШ ТАРТИБИ

**"Сотувчи"** томонидан шартнома шартларида кўрсатиб ўтилган товар ва маҳсулотлар ўзаро келишувга кўра жойланади.

Томонлар шартнома предмети ҳисобланган товар ёки маҳсулотларни жойлаш, юкни ташиш пайтида унинг физик жиҳатдан шубҳасиз бутлигини таъминлаш чораларини кўрган бўлишлари шарт.

Бунда "Харидор" манфаатлари "Сотувчи" манфаатидан устунлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

## РЕКЛАМАЦИЯ ШАРТЛАРИ

Рекламация- етказиб берилган маҳсулот сифати ёки миқдорини шартнома шартларига номувофиқлиги муносабати билан "харидор"нинг "сотувчи"га эътироз билдириши деб тушунилсин.

Рекламация холати юзага келганда "Харидор"нинг манфаатлари "Сотувчи" манфаатларидан устунлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

Нуқсонли маҳсулот (товарлар) аниқланган холларда, "Харидор" талабига кўра "Сотувчи" томонидан шартнома предмети ҳисобланган бошқа сифатли маҳсулотларни (товарларни) 3 кун муддат ичида алмаштириб бериш вазифаси юклатилсин.

Етказиб бериш ва алмаштиришга сарфланган ҳаражатлар суммаси "Сотувчи" томонидан қопланиши алоҳида белгилаб қўйилсин.

## КАФОЛАТЛАР

**"Сотувчи"** шартнома предметида кўрсатилган товар ёки маҳсулотларни сифати учун тўлиқ кафолат беради.

Ўз навбатида **"Харидор"** ҳам шартлашилган ва етказиб берилган товар ёки маҳсулотлар учун белгиланган суммани ўз муддатида тўлашга кафолат беради.

Томонларнинг кафолат мажбуриятлари мазкур шартнома амал қилиш муддатлари орасида кучда бўлиши алоҳида белгилаб қўйилсин.

## МАҲСУЛОТНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Битимда етказиб бериладиган маҳсулотнинг келиб чиққан мамлакати ва жойи кўрсатилади.

## ТОМОНЛАРНИ ҲУҚУҚЛАРИ

**"Сотувчи"ни ҳуқуқлари;**

Шартноманинг шартлари "харидор"томонидан бузилган тақдирда етказиб берилган товар ёки маҳсулотни қайтариб олиб қўйиш.

"Харидор" томонидан ҳуқуқлари бузилган деган хулосага келганда, юридик ёрдам олиш учун тегишли идораларга мурожаат қилиши мумкин.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгалиги белгилаб қўйилсин.

**"Харидор"ни ҳуқуқлари;**

Шартноманинг шартлари "сотувчи" томонидан бузилган тақдирда товар ёки маҳсулот учун тўланган сумма миқдорини тўлиқ қайтарилишини талаб қилиш.

"Сотувчи" томонидан ҳуқуқлари бузилган деган хулосага келганда, [illegible]
учун тегишли идораларга (ўзининг юридик хизмат кўрсатиш бўлимларига) мурожаат қилиши мумкин.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгалиги белгилаб қўйилсин.

## ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

**"Сотувчи"ни мажбуриятлари;**

Шартнома шартларига тўлиқ риоя қилган ҳолда белгиланган вақтда "харидор"га товар ёки маҳсулотларни етказиб беради.

Етказиб берилаётган товар ёки маҳсулотни топшириш вақтида ҳисоб-варақаларини сифатли ва тўлиқ тўлдириш, зарур реквизитларни имло хатоларсиз, аниқ номини, маҳсулот нави, категориялари ва бошқа кўрсаткичларини тўлиқ кўрсатиши шарт.

Сифатли ёки нуқсонли товар ёки маҳсулотларни етказиб берганлиги холатлари аниқланган тақдирда, "харидор" талабига кўра шартнома предметида кўрсатилган товар ёки маҳсулотларни бошқа сифатлисига алмаштириши ёхуд товар ёки маҳсулотлар учун тўланган суммани қайтариши шарт.

*Ўзининг қайта ташкил этилиши, тугатилиши ёки банкротлик босқичида бўлганлигини шартнома тузиш вақтида "харидор"ни тўлиқ огоҳлантириши.*

*Илгари тузилган шартномалар бўйича зиммасидаги мажбуриятларни лозим даражада бажармаган холатлари бўйича "харидор"ни огоҳлантириш.*

*Агарда "Сотувчи" томони таъсис этилганига олти ой муддат тўлмаган бўлса, бу ҳақда "харидор"ни олдиндан огоҳлантириб қўйиши шарт.*

*Агарда "Сотувчи" томони амалдаги қонунларга мувофиқ давлат рўйхатидан (аккредитациясидан) ўтмасдан фаолият олиб бораётган бўлса, бу ҳақда зудлик билан "харидорни" огоҳлантириши шарт.*

*"Сотувчи" томон билан бошқа масалаларда тегишли Судларда ва бошқа инстанцияларда низоли холатлар бўйича тортишувлар давом этаётган босқичда бўлса, бу ҳақда "харидор"ни зудлик билан огоҳлантириши шарт.*

*Агарда "Сотувчи" товарларни учинчи шахслар орқали бартер асосида ҳисоб-китоб йўли билан амалга оширишни мақсад қилган бўлса, бу ниятини олдиндан "харидор"га етказиб қўйиши шарт.*

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам амал қилади.

**"Харидор"ни мажбуриятлари;**

Етказиб берилган товар ёки маҳсулотлар учун "сотувчи"га келишилган суммани шартнома муддатларида тўлиқ бериш.

"Сотувчи" томони шартнома шартларида кўрсатилган товар ёки маҳсулотларни қабул қилиш учун юборган тақдирда, уни ўз вақтида қабул қилиб олиш чораларини кўради.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам амал қилади.

## ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ (САНКЦИЯЛАР)

Томонлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини келишилган муддатда тўлиқ ёки қисман бажаришмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

Агар товар ёки маҳсулот кечикиб етказиб берилса, охиригача етказиб берилмаса, иш бажарилмаса ёки хизмат кўрсатилмаса, "сотувчи" иккинчи томон, яъни "харидор"га кечиккан ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмини 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди ва ушбу тўланадиган пенянинг умумий миқдори етказиб берилмаган маҳсулот, бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизмат нархининг 50 фоизидан ошмаслиги белгилаб қўйилсин.

Агар етказиб берилган маҳсулот, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат мазкур шартномада белгиланган стандартлар, техник шартларга мувофиқ бўлмаса, етказиб берувчидан (сотувчидан) талабга жавоб бермайдиган маҳсулот нархини 20 фоизи миқдорида жарима "харидор" хисобига ундирилади.

Агар товар ёки маҳсулот "харидор" талабига кўра комплект холда етказиб берилмаса, "сотувчи"дан "харидор" хисобига комплект бўлмаган маҳсулот нархининг 20 фоизи миқдорида жарима ундирилади.

Шартнома шартларида пеня ва жарима тўланиши айбдор томонни мазкур шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

## ФОРС-МАЖОР ШАРТЛАРИ

Ушбу бўлимда мажбуриятларни бажаришга тўсқинлик қилувчи ва томонлар иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келган холатлар муносабати билан томонларнинг мазкур шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод этилиши эҳтмоллари кўзда тутилганлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

Фавқулотдаги холатларга сув тошқини, қор кўчкиси, сув босиши, ёнғинлар, зилзила, бошқа кўринишдаги табиий офатлар, турли кўринишдаги эпидемиялар, мураккаб об-ҳаво шароити, шунингдек, бошқарилиши мураккаб бўлган криминоген ва техноген вазиятлар, террорчилик актлари, оммавий тартибсизликлар, бундан ташқари, томонлар назорат қилиш қобилиятига эзга бўлмаган бошқа ҳар қандай холатлар тегишлигидир.

Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч бир ой давомида узлуксиз давом этса, томонлар бир-бирларини ёзма шаклда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш ёки қўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкинлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

Томонлар фавқулотдаги холатлар туфайли мазкур шартномада кўрсатилган шартларни бажармаслик сабаблари ҳақида албатта иккинчи томонни почта ёки алоқа воситалари орқали (ёки бошқа кўринишда) зудликда огоҳлантиришлари шарт.

"Форс-мажор" холатини юз берган жойдаги ваколатли давлат идоралари томонидан берилган расмий ёзма шаклдаги "маълумотнома" юридик кучга эга эканлиги белгилаб қўйилсин. Шу ўринда мазкур шартномада "харидор" бўлиб иштирок этаётган томон ҳам ваколатли давлат идораси эканлиги эътироф этилиб, у томондан тақдим этилган ёзма шаклдаги "маълумотнома" юридик кучга эга эканлиги белгилаб қўйилсин.

## ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ

Мазкур шартномани бажариш, ўзгартириш, янги қоидалар киритиш ва бекор қилишда пайдо бўладиган низоли холатлар томонларнинг ўзаро келишувига кўра "дўстона" ҳал этилиши белгилаб қўйилсин.

Томонлар келишмаган тақдирда тегишли судлар орқали амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида ҳал этилади.

Низоли холатлар юз берганда томонлар ўзаро келишувга эришиб, айбдор томон ҳақдорга келтирилган зарар миқдорларини тўлаган тақдирда амалдаги қонунчилик асосида низоли холатлар бартараф этилиб, шартнома муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин бўлади.

## ТОМОНЛАРНИ РЕКВИЗИТЛАРИ

Томонларни реквизитлари деганда - шартнома матни томонларнинг реквизитларини кўрсатиш билан якунланиши, унда почта реквизитлари, манзил, банк ва жўнатиш реквизитлари кўрсатилиб, шартнома икки томоннинг имзолари ўз мухрлари билан тасдиқланганлиги тушунилсин.

Ушбу шартнома 2022 йил «24» 10 дан 2022 йил «31» 12 гача тузилди.

| **"Харидор"** | **"Сотувчи"** |
|---|---|
| Farg'ona ... IIB<br>Farg'ona sh. A.Navoiy ko'chasi 13<br>H/r: 23402000300100001010<br>шхр 100021860304017031108179007<br>Markaziy bank Farg'ona sh. HKKM<br>MFO: 00014 STIR: 201152350<br>OKONX: 97600 Tel: (73) 244-16-41 | **«Водий-Шарк» ХФ**<br>**Р/С: 20208000304298284001**<br>**Тош.шах.АТБ ККБ**<br>**МФО: 01037**<br>**ИНН: 204785684**<br>**Рахбар: А.Каримов** |

FARG'ONA VILOYAT IIB TASHKILIY BOSHQARMA YURIDIK TA'MINLASH BO'LIMI HUQUQIY EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI 24.10.2022 y.

**Юрист** ____________

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
**Йиғилиш хайаъти раиси - Фарғона вилояти ИИБ М ва МТТБ бошлиғи подполковник**
**С.А.Хасанов**
**«24» 10 2022 йил**

**295 - сонли БАЁННОМАСИ**

**«24» 10 2022 й** **Фаргона ш**

**Йиғилиш иштирокчилари** **Фарғона вилоят ИИБ МТХ бошлиғи ўринбосари, МТ ва ХТБ бошлиғи, ЮТБ юристконсульти, АТА ва АҲБ бошлиғи, КБТХ ТШИГ бош инспектори, МТ ва ХТБ КБ бўлинма командири маъсул ходимлар жами 7 нафар**

**Кун тартибидаги масала:**

**Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси шахсий таркиби хизматда фойдаланиш учун канцелярия махсулотлари оқ қоғоз сотиб олиш тўғрисида.**

Йиғилишда раислик этувчи: Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси М ва МТТБ бошлиғи подполковник С.А.Хасанов йиғилишни қисқа кириш сўзи билан очиб, тезкор йиғилиш муҳокамаси кун тартибига қўйилган масала билан йиғилиш қатнашчиларни таништирди.

Масала юзасидан сўзга чиққан Бошқарма МТ ва ХХ бошлиғи полковник А.Ғоибназаров, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли фармонига мувофиқ хамда қўйилган вазифаларни самарали бажаришни амалга ошириш борасида ходимларга қулай шарт шароитлар яратиш, шахар ва туман ИИБ ва Бошқарма шахсий таркиби хизматда фойдаланиш учун канцелярия махсулотлари оқ қоғоз сотиб олиш кераклиги хақида таъкидлаб ўтди.

Сўзга чиққан вилоят ИИБ МТХ бошлиғи подполковник Д.М.Мадалиев, оқ қоғоз таъминлаб бериш борасида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 10 феврал куни ўтказилган йиғилишининг 69-сон баёнинига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 27 сентябрьдаги ПҚ-3953-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, харид комиссиялари томонидан баҳоланадиган энг яхши таклифларни саралаб олиш йўли билан давлат харидларини амалга ошириш соҳасини вақтинчалик тартибга солиш баёнига мувофиқ, шартнома қийматини БХМнинг 25 баробаридан юқори бўлган суммалар **etender.uzex.uz** сайтининг энг яхши таклифларни танлаб олиш пункти орқали жойлаштирилди.

**Энг яхши таклифларни танлаш учун келиб тушган таклифлар:**

1. **“Водий Шарқ” ХФ**
2. **“Илму Камол Зийнат” ХФ**

Йиғилиш қатнашчилари томонидан таклиф этилган тижорат таклифлари кўриб чиқилди ва ўз таклифларини билдирган корхоналар орасидан арзон ва сифатли эканлигини хисобга олиб, “Водий Шарқ” ХФ нинг тижорат таклифи бир овоздан маъқул топилди. Йиғилиш давомида келиб тушган таклифлар бахолангандан сўнг 2 иш кун мобайнида мухокамада бўлган, мукокама давомида хусусий корхона томонидан хеч қандай эътироз келиб тушмаган.

**Йиғилиш қарори :**

1. Ўтказилган энг яхши таклифларни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи **“Водий Шарқ” ХФ** билан шартнома имзолансин хамда хужжатлар тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш электрон ахборот порталига жойлаштирилсин.

**2.** Мазкур йиғилиш баёни шахсий таркибга ўқиб эшиттирилсин.

**3.** Йиғилиш баёнининг нусхаси ижро учун бошкарма МТХга юборилсин.

Фарғона вилоят ИИБ М ва МТТБ бошлиғи подполковник С.А.Хасанов хузурида «24» 10 2022 йил куни ўтказилган №295 -сонли йиғилиш баённи иштирокчиларга таништириш ҳақида

# Р Е Е С Т Р

| т/р | Ходимнинг фамилияси, исми, шарифи. | Ходимни танишганлиги ҳақида имзоси ва санаси. | Изоҳ. |
|---|---|---|---|
| 1. | Бошқарма МТХ бошлиғи Д.Мадалиев | | |
| 2. | Бошқарма МТ ва ХТБ бошлиғи А.Ғоибназаров | | |
| 3. | Бошқарма ЭКБ бошлиги У.Халиков | | |
| 4. | Бошқарма АТА ва АҲБ бошлиғи И.Кодиров | | |
| 5. | Бошқарма КБТХ ТШИГ бош инспектори Ж.Мадаминов | | |
| 6. | Бошқарма МТ ва ХТБ КББ командири Р.Исмадиёров | | |

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 163170 на приобретение Ок когоз энг олий сифатли когоз булиши шарт характиристикаси Бумага офисная белая А4( яркость ISO 94%, белизна CIE 163-170%, 100 г/м2) пачка, 500 листов, Плотность: 72-82 +/- 1.5-2 г/м2

Способ проведения электронный

Дата 19.10.2022

Время рассмотрения 19.10.2022 18:39

Закупочная комиссия Фаргона вилоят ички ишлар бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XASANOV SANJARBEK ABDUBANNOBOVICH | Молиявий таъминот хизмати бошлиги | Фаргона вилояти ИИБ |
| **Секретарь комиссии** | NURITDINOV SARVAR ABRORJONOVICH | Молиявий таъминот хизмати котиби | Фаргона вилояти ИИБ |
| **Член комиссии** | MADALIYEV SHERZOD ERKINOVICH | АТА ва АХБ бошлиги уринбосари | Фаргона вилояти ИИБ |
| **Член комиссии** | XALIKOV UMID IBRAGIMOVICH | ЭКБ бошлиги | Фаргона вилояти ИИБ |
| **Член комиссии** | MADAMINOV JAXONGIR MANSUROVICH | ИИБ ходими | иибь |
| **Член комиссии** | MADALIYEV DONIYOR MIROLIMOVICH | МТХ бошлиги | Фаргона вилояти ИИБ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 19.10.2022 года № лота 163170.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 75.00 / Весовой коэф. ценовой части: 25.00)

Мин. балл: 0

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Бумага для офисной техники белая** |
|---|---|
| Подробное описание | Ок когоз энг олий сифатли когоз булиши шарт характиристикаси Бумага офисная белая А4( яркость ISO 94%, белизна CIE 163-170%, 100 г/м2) пачка, 500 листов, Плотность: 72-82 +/- 1.5-2 г/м2 . махсулотлардан намуна олиб курсатади |
| Количество товара | 1 785.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 28 000.00 |
| Стартовая сумма | 49 980 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Молиявий холати

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонани охирги йиллик балланс хисоботлари (Давлат солик инспекциясидан тасдикланган булиш керак).ташкилотини хисоб ракамида конкурсдаги конкрс суммасини 20 % микдорида пу маблаги мавжуд булиши

ёки шу микдорда айланма маблаги борлиги тугрисида банк хати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"Водий Шарк" хусусий фирмаси** | 10 | хар бир хужат аслига тугри | 9 | Экспертная | | |
| **"ИЛМУ КАМОЛ ЗИЙ НАТ" Ф** | 10 | бор | 6 | Экспертная | | |

Критерий №2 Банк ва соликдан карзи йуклиги тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк ва соликдан карзи йуклиги тугрисида маълумот ва банкдаги хисоб ракамдаги маблаглари мавжудлиги тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"Водий Шарк" хусусий фирмаси** | 10 | хар бир хужат аслига тугри | 8 | Экспертная | | |
| **"ИЛМУ КАМОЛ ЗИЙ НАТ" Ф** | 10 | бор | 7 | Экспертная | | |

Критерий №3 Кафолат хати ва омбордаги мавжуд товар борлиги, намуна олиб келиб курсатади

Тип: Текстовое значение

Описание: Махсулот омборда мавжудлиги тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"Водий Шарк" хусусий фирмаси** | 10 | махсулот омборда мавжуд хамда кафолатланган | 9 | Экспертная | | |
| **"ИЛМУ КАМОЛ ЗИЙНАТ" Ф** | 10 | бор | 7 | Экспертная | | |

Критерий №4 Ташкилот тугрисида умумий маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот низоми .руйхатдан утказилгани тугриисида маълумот нусхаси . ташкилот такрибий структураси, паспорт ва гувохнома копияси., фаолияти буйича маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"Водий Шарк" хусусий фирмаси** | 10 | хар бир хужат аслига тугри | 9 | Экспертная | | |
| **"ИЛМУ КАМОЛ ЗИЙ Н** | 10 | бор | 7 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **АТ" Ф** | | | | | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **"Водий Шарк" хусусий фирмаси** | 49 980 000.00 | 46 410 000.00 UZS | 46 410 000.00 | 00.00 | 46 410 000.00 | 18.10.2022 10:54:26 | 25 |
| **"ИЛМУ КАМОЛ ЗИЙНАТ" Ф** | 49 980 000.00 | 48 195 000.00 UZS | 48 195 000.00 | 00.00 | 48 195 000.00 | 18.10.2022 15:39:14 | 24.07407 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **"Водий Шарк" хусусий фирмаси** | 65.625 | 25 | 90.625 |
| **"ИЛМУ КАМОЛ ЗИЙНАТ" Ф** | 50.625 | 24.07407 | 74.69907 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 163170 от 19.10.2022 года на приобретение Ок когоз энг олий сифатли когоз булиши шарт характиристикаси Бумага офисная белая А4( яркость ISO 94%, белизна С IE 163-170%, 100 г/м2) пачка, 500 листов, Плотность: 72-82 +/- 1.5-2 г/м2 определила победителем:

"Водий Шарк" хусусий фирмаси
204785684

и резервный исполнитель: "ИЛМУ КАМОЛ ЗИЙНАТ" Ф (206746454)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XASANOV SANJARBEK ABDUBANNOBOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MADALIYEV SHERZOD ERKINOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XALIKOV UMID IBRAGIMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MADAMINOV JAXONGIR MANSUROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MADALIYEV DONIYOR MIROLIMOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП